

Рамазон ҳайитига хос ишлар



16:00 / 18.04.2023 2673

Фитр куни таом ейиш, мисвок ва ғусл қилиш, хушбўйлик суртиш ва энг яхши кийимларини кийиш ва фитр садақасини бериш мандубдир.

Юқоридаги жумлада Фитр (Рамазон) байрамига чиқишдан олдин қилинадиган амаллар ҳақида сўз бормоқда. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Таом ейиш.

تَارَمَتَ لِكُلِّ أَيِّ سَحْرٍ زُطْفَلٍ مَوْيٍ وَدَعَى آلَ نَبِيِّنَّ لِنَاكَ: لَأَقُؤَنَّ عُلَّ لِي ضَرَّ سَنَ أَنْ ع
يُذَمَّرَتَ لَأَوْ رَاخُ بَلِّ هَاوَرٍ. أَرْتَوْ نُهُ لِكُلِّ أَيِّ وَ

سَحْرٍ يَحْضُرُ آلَ مَوْيٍ لِكُلِّ أَيِّ آلٍ وَ مَعْطِي سَحْرٍ زُطْفَلٍ مَوْيٍ جُرْحِي آلَ نَاكَ: عَيْ أَوْرِي فَو
يَلِّصِي.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Фитр куни бир неча хурмо емай туриб, чиқмас эдилар. Тоқ ер эдилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.

Бошқа бир ривоятда: «Фитр кунни таом емасдан олдин чиқмас эдилар. Азҳо кунни намозни ўқиб бўлмагунча емас эдилар», дейилган.

2. Фитр садақасини бериш.

مَنْ أَصَلَّ عَزُهُ طَرِطُ فَلَإِكْزٍ هَلْ لَأُؤْسَرَ ضَرَفَ: لَأَقُ هُنَّ عُلْ لَأَلْ يَضَرَّ سَابَعُ نَبِإِ نَع
هُؤُبُؤْمُؤْ كَزَيْ هَفِ لَأَصْلُ لَبَقِ أَدَأُ نَمُؤْ نِي كَأَسْمَلْ لَمُؤْ طَوؤْ ثَفْرَلِ أَوْؤُؤْ لَأَلْ نَم
هُؤْ كَأُؤْ لَأَوْؤُؤْ دَوَادُؤُؤْ وَبَأُؤُؤْ هَأُؤُؤْ تَأَقْدُؤْ لَأَلْ نَمُؤْ قَدَصَ يَهَفِ لَأَصْلُ لَدُؤْؤْ بَأَدَأُؤُؤْ نَمُؤْ
هُؤُؤْ حَحَّصَؤْ

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам фитр закоти-ни рўзадор учун беҳуда гап-сўз ва ҳаракатлардан покла-ниш ва мискинлар учун таомланиш бўлсин, деб фарз қил-дилар. Ким уни намоздан олдин адо қилса, у мақбул закот бўлур. Ким уни намоздан кейин адо қилса, садақалардан бири бўлур».

Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилганлар. Ҳоким саҳиҳ, деган.

Фитр садақасини ийддан бир неча кун олдин берса ҳам бўлади.